

АРАБ ТИЛИДАГИ МЕЪРОЖГА ОИД ШЕЪРЛАР БАЁНИ

Жаҳонгир Турдиев

Доцент в.б., филол.ф.б.ф.д (PhD). ORIENTAL университети,

Шарқ тиллари кафедраси

jahongirshoh15@mail.ru, jahongirturdiyev15@gmail.com,

Аннотация. Мазкур мақола араб тилида битилган шеърларда Меърож ҳодисасининг баёни ва ундаги услуб масаласига бағишланган. Унда араб тилидаги шеърлар ва уларнинг хусусиятлари таҳлил этилган. Мақолада Исро ва Меърож воқеасига ва унга оид маълумотлар ҳақида ҳам сўз юритилган. Шунингдек, мақолада асарда қўлланилган насрий қофиянинг ўзига хослиги ҳақида баҳс юритилган.

Калит сўзлар: Араб тили, шеър, маросим, Исро, Меърож, насрий қофия.

Аннотация. Эта статья посвящена описанию события Мирадж в арабских стихах и вопросу его стиля. В нем анализируются арабские стихи и их характеристики. В статье также говорится о событиях Исра и Мираджа и сопутствующей информации. В статье также рассматривается своеобразие прозаической рифмы, использованной в произведении.

Ключевые слова: арабский язык, поэзия, ритуал, Исра, Мирадж, прозаическая рифма.

ABSTRACT. This article is devoted to the description of the Miraj incident in Arabic poems and the issue of its style. In it analyzes Arabic poems and their characteristics. The article also talks about the events of Isra and Miraj and related information. The article also discusses the uniqueness of the prose rhyme used in the work.

Key words: Arabic language, poetry, ritual, Isra, Miraj, prose rhyme.

Юртимиз масжидларида мавлид тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилади. Диёримизда бу каби тадбир ва маросимларда Имом Саид Жафар ибн Ҳасан Барзанжийнинг араб тилида битилган "Икдул-жавҳар фи мавлидун-Набиййил Азҳар" ("Порлоқ юзли Набийнинг мавлидлари хусусидаги гавҳар маржон") асарида кенг фойдаланиб келинган. Мазкур мавлид асари юртимизда шу қадар кенг тарқалганки, халқ ўртасида мавлид дейилса, фақат шу асар тушуниладиган бўлиб қолган. Бунинг сабабларидан бири Имом Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳининг мавлидида асосан саҳиҳ, ишончли маълумотлар келтирилган. Бу эса асар қимматини оширишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бу асар халқимиз орасида кенг тарқалгани ва барчани қизиқтиргани сабабли бир неча бор ўзбек тилига таржима ва шарҳ қилинган. Жумладан, ўтган асрда Марғилонда яшаб, ижод қилиб ўтган олимларимиздан бири



Фозилжон махдум, Тошкент Ислом университети тадқиқотчиси Нодирбек Набижон ўғли, ёш иқтидорли олимларимиздан Ҳасанхон Яхё Абдулмажид томонидан амалга оширилган таржима ва шарҳлар нашр қилинган.

Мазкур асар адабий услубдаги мавлидлардан бўлиб, унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлидлари ва унга боғлиқ хабарлар бадиий бўёқларда, балоғатли услубда ҳикоя қилинган. Асар сажъ услубида ёзилган бўлиб, икки мисрадан иборат жуфтликнинг ҳар бири алоҳида қофияда берилган ва асарнинг бошидан охиригача жуфтликнинг биринчи мисраси бир тур қофияда, иккинчиси яна бир тур қофияда тугалланган. Бунда ана шу охирги сўзда тўхтаб, сўнги ҳарфни сокин қилиш назарда тутилган, яъни шундагина қофия ҳосил бўлади [4.13].

Исро луғатда “тунги сайр” маъносини билдирса, шаръий истилоҳда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Макка шаҳридан Қуддус шаҳрига қилган тунги сайрлари “Исро” дейилади. Исро ҳодисаси Қуръони Карим оятлари билан собит бўлган. Бу ҳақда Исро сурасининг 1-оятида баён қилинган:

Ўз бандасини кечаси Масжидул Ҳаромдан атрофини баракали қилганимиз Масжидул Ақсога мўъжизаларимизни кўрсатиш учун сайр қилдирган Зот пок бўлди. Албатта, У эшитувчидир, кўрувчидир [1. 282].

Оятдаги “Ўз бандаси”дан мурод, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо Аллоҳнинг бандаси эканликлари билан фахрланиб юрар эдилар. Ушбу оятда у зотнинг номлар айтилмай, “Ўз бандаси” ибораси ишлатилиши ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам фахр ҳамда энг оғир пайтда у киши учун тасаллидир [2.180].

“Меърож – Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Исродан сўнг ўша кечанинг ўзида “Масжидул Ақсо”дан олий самоларга, кейин “Сидратул мунтаҳо”га кўтарилишлари, сўнгра ўша кечанинг бир қисмининг ўзидаёқ “Байтул Макдис”га қайтишларидир.

Меърож луғат жиҳатидан нарвонга ўхшаш “кўтарилиш асбоби” маъносини англатади. Лекин унинг қандай нарса экани номаълумдир. Унинг ҳукми ҳам бошқа ғайбий нарсаларнинг ҳукми каби бўлиб, шакл ва ҳолати қандайлигини билишга уриниб ақлни қийнаш дуруст эмас” [3.170].

Имом Барзанжий ҳам “Иқдул-жавҳар фи мавлидун-Набиййил Азҳар” номли асарларида Исро ва Меърож ҳодисасини юксак бадиий маҳорат билан ифодалаганлар.

Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Исро ва Меърож” кечасида пайғамбарларни кўзлари билан кўрганлари ривоят қилинган. Яна у зотнинг барча пайғамбарларни самода ҳам кўрганлари зикр қилинган.

Мавлид асари муаллифи ана шу ҳадисдаги маъноларни мухтасар қилиб қуйидагича ифода этади:

أُسْرِيَ بِرُوحِهِ وَجَسَدِهِ يَقْظَةً مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى وَرَحَابِهِ الْقُدْسِيِّ ثُمَّ
وَعَرَجَ بِهِ إِلَى السَّمَاوَاتِ فَرَأَى آدَمَ فِي الْأُولَى وَقَدْ جَلَّلَهُ الْوَقَارُ وَعَلَاهُ

Сўнгра у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам руҳ жасадлари билан уйғоқ ҳолларида Масжидул Ҳаромдан масжидул Ақсога, унинг муқаддас раҳбаларига (Очиқ кенг майдон, масжид ҳовлиси) тунда сайр қилдирилдилар ҳамда у зотни осмонларга олиб чиқилди. У зот биринчи осмонда Одам алайҳиссаломни кўрдилар. Дарҳақиқат, виқор уни улуғвор қилиб, қамраб олган эди [4.171].

وَفِي الثَّانِيَةِ ابْنَ الْبُتُولِ الْبَرَّةِ التَّقْشِيَّةُ
وَابْنَ خَالَتِهِ يَضْحِي الَّذِي أُوتِيَ الْحُكْمَ فِي صِبَاهُ

Иккинчи осмонда маъсума, олийжаноб, тақводор аёлнинг ўғли Йисо алайҳиссаломни ҳамда унинг холасининг ўғли, болалигидаёқ ҳикмат берилган Яҳё алайҳиссаломни кўрдилар [4.171].

وَفِي الثَّالِثَةِ يُوسُفَ الصَّادِقَ بِصُورَتِهِ الْجَمَالِيَّةِ
وَفِي الرَّابِعَةِ إِبْرِيْسَ الَّذِي رَفَعَ اللَّهُ مَكَانَهُ وَأَعْلَاهُ

Учинчи осмонда ростгўй Юсуф алайҳиссаломни чиройли суратда кўрдилар. Тўртинчи осмонда эса Аллоҳ мартабасини баланд ва олий қилган Идрис алайҳиссаломни кўрдилар [4.172].

وَفِي الْخَامِسَةِ هَارُونَ الْحَبَّابِ فِي الْأُمَّةِ الْإِسْرَائِيلِيَّةِ
وَفِي السَّادِسَةِ مُوسَى الَّذِي كَلَّمَهُ اللَّهُ وَنَجَّاهُ

Бешинчи осмонда бану Исроил уммати ўртасида маҳбуб бўлган Ҳорун алайҳиссаломни кўрдилар. Олтинчи осмонда эса Аллоҳ гаплашган ва нојот берган Мусо алайҳиссаломни кўрдилар [4.172].

وَفِي السَّبْعَةِ إِبْرَاهِيمَ الَّذِي جَاءَ رَبَّهُ بِسَلَامَةِ الْقَلْبِ حُسْنِ الطَّوَيَّةِ
وَحَفِظَهُ اللَّهُ مِنْ نَارِ نَمْرُودَ وَغَافَاهُ

Еттинчи осмонда Роббига саломат қалб соф дил билан келган Иброҳим алайҳиссаломни кўрдилар. Аллоҳ уни Намруднинг оловиданаасраб саломат сақлаган эди [4.173].

Имом Барзанжий ҳазратлари ўз асарларида Исро ва Меърож воқеаларини ўзига хос тарзда баён этиб, бу баённи ўқувчини ҳамда эшитувчини тасирлантира олганлар.

Муаллифнинг "Иқдул-жавҳар фи мавлидун-Набиййил Азҳар" ("Порлоқ юзли Набийнинг мавлидлари хусусидаги гавҳар маржон") асари тили адабий ва жуда енгиллиги кенг оммага манзур бўлишини таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Исро сураси 1- оят. 632б.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 19 жуз. Тошкент. 2006. 576б.
3. А.Абдурахим. Ўзбекистон дурдоналари. Тошкент. 2012. 384б.
4. Саййид Жаъфар ибн Ҳасан Барзанжий. Мавлид. Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид таржимаси ва шарҳи. Тошкент 2015. 336б.
5. АН-НАИМ. Арабча-ўзбекча луғат. Тошкент- 2003. 960б.